

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ  
ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**ШНҚ 2.09.07-22 «ЧОРВАЧИЛИК, ПАРРАНДАЧИЛИК ҲАМДА МЎЙНАЧИЛИК  
БИНО ВА ИНШООТЛАРИ» ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИ  
ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 26 сентябрда ҳисобга  
олинди, ҳисоб рақами 297]**

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 мартдаги ПФ-5963-сон «Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сон «Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ буюраман:

1. ШНҚ 2.09.07-22 «Чорвачилик, паррандачилик ҳамда мўйначилик бино ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг 1996 йил 2 апрелдаги 22-сон буйруғи билан тасдиқланган ҚМҚ 2.09.07-96 «Чорвачилик, паррандачилик ва ҳайвончилик бинолари ва иншоотлари» қурилиш меъёрлари ва қоидалари ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси билан келишилган.

4. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир в.б. Ш. ХИДОЯТОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 23 август,  
01/2-60-сон  
Келишилди:

**Қишлоқ хўжалиги вазири И. АБДУРАҲМОНОВ**

2024 йил 20 август

**Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси Б.  
ЮСУПАЛИЕВ**

2024 йил 10 июль

**Фавқулодда вазиятлар вазири А. КУЛДАШЕВ**

2024 йил 11 июль

**Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.  
АБДУХАКИМОВ**

2024 йил 15 июль

Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой  
коммунал хўжалиги вазирининг

2024 йил 23 августдаги

01/2-60-сон буйруғига

ИЛОВА

**ШНҚ 2.09.07-22 “Чорвачилик, паррандачилик ҳамда мўйначилик бино ва иншоотлари”  
шаҳарсозлик норма ва қоидалари**

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (бундан буён матнда ШНҚ деб юритилади) янгидан қуриладиган, реконструкция қилинадиган, мукамал ва жорий таъмирланадиган чорвачилик, паррандачилик ҳамда мўйначилик бино ва иншоотларини лойиҳалаш ва қуришга оид талабларни белгилайди.

**1-боб. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги  
норматив ҳужжатларга ҳаволалар**

1. Ушбу ШНҚда қуйидаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар келтирилган:

ШНҚ 2.01.02-04 “Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги”;

ШНҚ 2.01.19-09 “Бинолар, бинолар ва ташқи қурилмаларнинг портлаш ва ёнғин хавфи бўйича тоифаларини аниқлаш”;

ШНҚ 2.03.10-19 “Том ва том қопламалар”;

ШНҚ 2.03.13-23 “Поллар”;

ШНҚ 2.04.01-19 “Бинолар ички водопроводи ва канализацияси”;

ШНҚ 2.04.02-19 “Сув таъминоти. Ташқи тармоқ ва иншоотлар”;

ШНҚ 2.04.05-22 “Иситиш, вентиляция ва кондициялаш”;

ШНҚ 2.04.09-07 “Бино ва иншоотларнинг ёнғин автоматикаси”;

ШНҚ 2.09.01-19 “Қишлоқ хўжалик корхоналарининг бош режалари”;

ШНҚ 2.09.02-19 “Ишлаб чиқариш бинолари”;

ШНҚ 2.09.04-09 “Маъмурий ва маиший бинолар”;

ШНҚ 2.10.01-23 “Ясси ва чизик тарзидаги иншоотлар қурилиши учун ер майдонлари ўлчамларини аниқлаш”;

ГОСТ 121.005 “Ишчи зона ҳавосига қўйиладиган умумий санитария-гигиена талаблари”;

O‘zMSt 133:2024 “Ичимлик суви. Гигиеник талаблар ва сифатини назорат қилиш”.

**2-боб. Атамалар ва таърифлар**

2. Ушбу ШНҚда қуйидаги атамалар ва уларнинг таърифлари қўлланилган:

**бостирма** – хайвонлар ва уларнинг озуқаларини қуёш нурлари, ёмғир ва бошқа ноқулай об-ҳаво таъсиридан ҳимоялаш учун мўлжалланган махсус иншоот;

**чорвачилик, паррандачилик ҳамда мўйначилик бино ва иншоотлари** (бундан буён матнда бинолар деб юритилади) – чорвачилик, паррандачилик ҳамда мўйначиликда ишлаб чиқариш жараёнларини бажариш, одамларнинг вақтинча бўлиши (ҳаракатланиши), шунингдек усқуналар ёки коммуникацияларни жойлаштириш (ўтказиш, улаш) учун мўлжалланган, таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат қурилиш тизими.

### 3-боб. Умумий қоидалар

3. Биноларни лойиҳалаш ШНҚ 2.01.02-04 ва ШНҚ 2.01.19-09 га мувофиқ амалга оширилиши керак.

4. Биноларнинг умумий майдони ташқи деворлар ички юзаси ёки чекка устунларининг (ташқи деворлар бўлмаган тарафдан) ўқи, галерея, майдончалар, антресоллар (баландлиги 1,8 m дан паст бўлган очиқ хоналар, ертўлалар (гўнг учун), чордоқ, тўсини ва осма шиплар устида жойлашган хоналардан ташқари) чегарасигача бўлган барча хоналар майдони йиғиндиси сифатида аниқланиши лозим.

5. Ёрдамчи (қўшимча) биноларни ШНҚ 2.09.04-09 га мувофиқ лойиҳалаштириш керак.

6. Хайвонлар боқиладиган биноларни лойиҳалашда ортикча қуёш нуридан исиб кетиш, чанг, шамол ва хайвонлар ривожланишига акс таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа омиллар инобатга олинishi керак.

7. Хайвонларнинг ҳаракатланиши учун ажратилган биноларни ШНҚ 2.09.04-09 асосида лойиҳалаш керак.

### 4-боб. Ҳажм-режалаш ишлари ва конструктив ечимлар

8. Бинолар ШНҚ 2.09.04-09 ва ШНҚ 2.09.02-19 га мувофиқ бир қаватли қилиб лойиҳалаштирилиши лозим.

9. Бинолардан ташқари мазкур ШНҚ га мувофиқ қуёш нурлари тушмайдиган ёзги бостирмалар лойиҳалаштирилиши лозим.

10. Биноларни лойиҳа топшириғига мувофиқ лойиҳалаштириш керак.

11. Дағал озуқа омборлари ШНҚ 2.09.01-19 га мувофиқ махсус ажратилган майдончаларда жойлаштирилиши керак.

12. Биноларда фавқулодда ҳолларда эшикларни узоқдан автоматик очиш мосламалари ўрнатилган бўлиши лозим.

13. ШНҚ 2.01.01-19 га асосан биноларнинг томлари иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда табиатда рўй берадиган ҳодисаларни (қучли шамолларни) ҳисобга олиб, уларнинг минимал қиялиги 10 фоиз (5°31') бўлиши керак.

14. ШНҚ 2.03.10-19 га асосан профнастилли том ёпмаларни бир-бирининг устига камида 20 mm чиқарилиши керак.

15. Ҳўл ва нам шароитли бўлган биноларни ШНҚ 2.01.02-04 га мувофиқ ёнмайдиган ёки ёниши кийин бўлган материаллардан лойиҳалаш керак.

16. Лойиҳа топшириғига асосан лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва томнинг оптимал ўлчовларини танлаб олишда томнинг қиялигини турлича белгилашга тўғри келса, у ҳолда қияликлар қуйидаги

формулардан фойдаланиб аниқланади:

$$Y = B / D \tag{1}$$

бу ерда:

Y - том қиялиги;

B - том баландлиги;

D - том қиялиги асосининг узунлиги.

Қияликнинг фоизлар (%) да ифодаланган қийматини қуйидаги формула орқали аниқлаш лозим:

$$Y = B / D \cdot 100 \% \tag{2}$$

Қияликнинг градусларда ифодаланган қийматини қуйидаги формула орқали аниқлаш лозим:

$$\text{tg}\alpha = B / D \tag{3}$$

17. Қияликни турли ифодаларини аниқлаш учун мазкур ШНҚнинг 1-жадвалида келтирилган қияликлар чизмасидан фойдаланиш керак.

**Қияликни белгилаш жадвали**

1- жадвал

Қиялик ифодаси				Эскиз	Қияликлар чизмаси
Градусларда	Каср хисобида	%	В:Д нисбатда		
35°	0.7	70	1:1,43	$\frac{B}{D}=1$ д-1.43	
31°	0.6	60	1:1,67	1 1.67	
26°30'	0.5	50	1:2,0	1 2.0	
21°50'	0.4	40	1:2,5	1 2.5	
16°51'	0.3	30	1:3,3	1 3.3	
11°25'	0.2	20	1:5,0	1 5	
5°31'	0.1	10	1:10	1 10	
3°10'	0.05	5	1:20	1 20	
1°10'	0.02	2	1:50	1 50	
0°40'	0.01	1	1:100	1 100	

18. Биноларнинг полларини ШНҚ 2.03.13-23 га асосан лойихалаштириш керак.

19. Полнинг иссиқлик ўтказувчанлик кўрсаткичи (В) тўшамасиз жойларда қуйида келтирилгандан ошмаслиги керак:

бўрдоқига боқилаётган бузоқлар ва уч ойлик чўчқачалар учун  $B \leq 13 \text{ kcal/m}^2 \cdot \text{C}^{1/2} \text{ } ^\circ\text{C}$ ;

қўйлардан ташқари бошқа барча ҳайвонларлар учун  $B \leq 10 \text{ kcal/m}^2 \cdot \text{C}^{1/2} \text{ } ^\circ\text{C}$ .

20. Бинолар, шунингдек очиқ майдончалар полининг асосий турларини мазкур ШНҚнинг 1-иловасига, пол ва тўшамаларининг асосий конструкциялари мазкур ШНҚнинг 2-иловасига мувофиқ қабул қилиш лозим.

21. Сут соғиш заллари, сутни қайта ишлаш ва уни сақлаш, инкубация, жўжа очиши, ювиш хоналари, лабораториялар, молларни сунъий қочириш ҳамда озуқа тайёрлаш хоналарининг деворлари полдан 1,8 m баландликкача плита билан қопланиши керак.

22. Биноларнинг деворлари ва поллари вақти-вақти билан дезинфекция қилиниши ёки сув билан ювилиши лозим.

23. ҚМҚ 2.01.04-97 га мувофиқ биноларнинг тўсиқ конструкциялари (тўсиқларнинг ички юзасини иссиқлик узатиш коэффицентини) қуйидагича қабул қилинади:

агар хона полининг  $1 \text{ m}^2$  юзасига оғирлиги 80 kg ли тирик вазнли ҳайвонлар сақланадиган бўлса, у холда хона деворлари учун  $10 \text{ kcal/m}^2 \cdot \text{c } ^\circ\text{C}$ ;

агар ҳайвонларнинг вазни 80 kg ва ундан кам бўлса, барча чорвачилик ва паррандачилик бино шифтлари учун -  $7,5 \text{ kcal/m}^2 \cdot \text{c } ^\circ\text{C}$ .

24. Сейсмик ҳудудлардаги биноларни лойихалаш ҚМҚ 2.01.03-19 га мувофиқ амалга оширилиши керак.

25. Биноларнинг оралик масофаси ШНҚ 2.10.01-23 га мувофиқ қабул қилиниши керак.

26. Биноларни ҳудудларнинг бош тарҳига жойлаштиришда ШНҚ 2.09.01-19 га асосан шамол йўналиши эътиборга олинishi керак.

Бинолардан чиқадиган ҳидлар аҳоли пунктларига тарқалмаслиги лозим.

#### **5-боб. Ичимлик ва оқава сув тармоқлари**

27. Биноларда хўжалик-ичимлик суви ва ишлаб чиқариш учун керакли сув миқдорини ШНҚ 2.09.21-22, ШНҚ 2.04.01-19 ва ҚМҚ 2.04.02-19 ларга мувофиқ лойихалаш лозим.

28. Биноларда хўжалик-ичимлик суви ва ишлаб чиқариш мақсадлари учун мўлжалланган сув таъминот тизимлари ШНҚ 2.04.02-19 га мувофиқ бўлиши лозим

29. Хўжалик-маиший эҳтиёжлар, ҳайвонлар, паррандаларни суғориш, озуқа тайёрлаш, молларни ювиш, сут идиш ускуналарини ювиш ва ускуналарни совитиш учун етказиб бериладиган сув сифати О'zMSt 133:2024 га мувофиқ бўлиши керак.

30. Қафасларда сақланадиган паррандалар учун талаблар ШНҚ 2.09.21-22, ШНҚ 2.01.02-04, ШНҚ 2.04.09-07 ва ШНҚ 2.09.04-09 га асосан белгиланиши керак.

31. ШНҚ 2.09.21-22 га асосан ўт ўчириш учун сув ташқи сув манбаларидан олинганида бинолардаги ички сув тармоғининг кириш жойларида идиш (резервуар, ховуз) ларни тўлдириш учун

диаметри 50 mm ли улаш мосламалари бўлиши лозим.

32. Сув тармоғининг иситилмайдиган хоналарга киритилган шохобчаларида тўсувчи вентиλλар, бу шохобчаларнинг иситилмайдиган хоналардаги куруқ бўлақларга сув чиқариб юбориш мосламалари бўлиши керак.

Бинода иситиладиган хоналар бўлмаса, сув тортиш колонкаларини ёки иситилмайдиган бино ичида сув ўтказиш тармоғини ва кудуқлар ичида сув тўплаш, шунингдек сувни чиқариб юборувчи мосламаларни ўрнатиш керак.

33. Биноларга киритилган сув тармоғига сув ўлчаш асбобларини ўрнатиш лойиҳа топшириғига асосан бажарилиши лозим.

34. Девор қалинлиги ва диаметрига нисбатан қалин бўлган пўлат қувурларни қўллашга йўл қўйилмайди.

Қувурларни пайвандлаш, фланецлар, уйма излар ёки елим ёрдамида улаш кўзда тутилиши керак.

35. Магистрал қувурлар, тармоқнинг тарқалган шохобчалари, асбоб ва ускуналар яқинидаги сув олиш жойлари сув оқиш шохобчаси (кран)га томон 0,002 қияликда лойиҳаланиши лозим.

37. Ҳайвонларни автоматик суғориш мосламаларидан суғоришда сув сарфи мазкур ШНҚнинг 1-иловасига биноан аниқланиши лозим.

38. Махсус асбобларнинг сув сарфи ва уларнинг бир вақтдаги ҳаракати (фоиз ҳисобида) мазкур ШНҚнинг 3-иловасига биноан қабул қилиниши лозим.

39. Биноларнинг иссиқ сув таъминоти, ичимлик ва оқава сув тармоқлари ШНҚ 2.04.01-19 га ва лойиҳа топшириғига асосан лойиҳалаштирилиши керак.

40. Иссиқ сув билан таъминлаш тизимида лойиҳа топшириғида қайд этилган қалинликдаги пластмасса қувурлар қўлланилиши лозим.

41. Изолятор, карантин, қушхона ва утилизация бўлимларининг оқава сувлари алоҳида оқава сув тармоғига тўпланиб, умумий оқава сув тармоғига қўшиб юборишдан аввал дезинфекциядан ўтказилиши керак.

42. Паррандачилик биноларида ўрнатилган оқар сувли сувдонлардан ортган оқава сувни магистрал тизимларида парранда пати ва турли чиқиндиларни ушлаб қоладиган мосламалар ўрнатиш керак.

43. Сутни қабул қилиш, ишлов бериш ускуналари, шунингдек сут идишларини ювадиган технологик ускуналар энг камида 20 mm бўлган оқава сув тармоғига қўшилиши лозим.

44. Чигил ёзиш майдончаларининг оқава (қолдик) сувлари очиқ ариқлар ёки диаметри камида 300 mm бўлган қувурлар орқали умумий сақлаш жойларига ёки умумий каналга оқизилиши лозим.

45. Биноларда юқори самарадорликка эга маҳаллий сув тозалаш иншоотлари ўрнатилиши керак.

46. Биноларда ҳаво алмаштириш мўриси бўлиши лозим.

#### **6-боб. Иситиш ва ҳаво алмаштириш тармоғи**

47. Биноларнинг иситиш ва ҳаво алмаштириш тармоқлари ШНҚ 2.04.05-22 га мувофиқ лойиҳалаштирилиши лозим.

Иссиқлик ташувчиси сифатида 150 °C ли қайноқ сув, технологик эҳтиёжлар учун 95 °C гача иситилган сув ёки буғ қабул қилиниши керак.

48. Бинолар ичидаги ҳавонинг белгиланган ҳарорати, нисбий намлиги, ҳаво тозаллиги ва унинг ҳаво ҳаракатининг тезлиги биноларнинг технологиясига биноан қабул қилиниши лозим.

49. Ичкари ҳаво параметрлари белгиланмаган хоналар учун кўрсаткичлар ГОСТ 121.005-76 га мувофиқ белгиланиши лозим.

50. Ташқи тўсиқ конструкцияларнинг иссиқлик ўтказишга талаб этилган қаршилигини аниқлашда ташқаридаги ҳавонинг белгиланган ҳарорати ШНҚ 2.01.01-22 га асосан аниқланиши лозим.

51. Соғилмайдиган сигирлар ва бўрдоқига боқилаётган бузоқлар учун хонанинг ички ҳарорати 5 °C ва намлиги 75-80 % деб қабул қилиниши лозим.

Ўзда хона ичкаридаги ҳарорат 33 °C дан ортиқ бўлганида паррандалар боқиладиган бино ҳавосини мўътадил ҳолда сақлаш имконияти кўзда тутилиши лозим.

52. Барча чорвачилик биноларида нисбий намлик 75 % дан ортиқ бўлмаслиги керак.

53. Бинолар ҳаво алмаштириш ускуналари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

54. Бинолар ҳавосининг таркибидаги зарарли газларнинг рухсат этилган энг юқори миқдори мазкур ШНҚнинг 2-жадвалига мувофиқ қабул қилиниши лозим.

2-жадвал

Зарарли газлар	Рухсат этилган энг юқори миқдори		
	%	l/m <sup>3</sup>	mg/l
Углекислота (CO <sub>2</sub> )	0,25	2,5	4,94
Аммиак (NH <sub>3</sub> )	-	0,026	0,02
Сероводород (H <sub>2</sub> S)	-	0,0064	0,01

55. Ҳайвонлар боқиладиган бинога кираётган иссиқликни аниқлашда деворлар орқали бино ичкарига тушган қуёш нурлари ҳисобга олинмаслиги лозим.

56. Бино деворларининг деразасидан тушган қуёш нурлари радиация билан биргалликда ҳисобга олиниши лозим.

57. Усти очик ва намланган юзалардан ажралиб чиққан намгарчилик миқдори қуйидаги формулага биноан аниқланади:

$$W_{\text{пов}} = W_{\text{от}} \cdot F_{\text{от}} + W_{\text{см}} \cdot F_{\text{см}}$$

бу ерда:

$W_{\text{от}}$  ва  $W_{\text{см}}$  - технология талабларни мазкур ШНҚнинг 4-илоvasи 3- ва 4- жадвалларидан олинади;

$F_{\text{от}}$  ва  $F_{\text{см}}$  - усти очик сув ва намланган юзалари майдони.

58. Хона ҳавосидаги ортиқча нам чиқариб юборилгач, ҳаво алмашуви қуйидаги формулага биноан аниқланади:

$$\sigma_{\text{пр}} = W \cdot d \cdot \delta - d \cdot n \cdot \sigma_{\text{пр}} = \frac{W_{\text{в}}}{d_{\text{в}} - d_{\text{н}}}$$

бу ерда:

$W_{\text{в}}$  - хона ҳавосига ажралиб чиқаётган намлик миқдори, g/s;

$d_b$  ва  $d_n$  - иш зонаси ҳавосида рухсат этилган намлик миқдори, ташқаридан кирган ҳаводаги намлик миқдори,  $vg/kg$ .

Ҳаво алмашинувида ҳаво таркибидаги  $CO_2$  миқдорини қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$L = K_{газ} C_b - C_n L = \frac{K_{газ}}{C_n - C_n}$$

бунда:

$K_{газ}$  - зарарли моддаларнинг ажралиб чиқиши,  $g/l$ ;

$C_b - C_n$  - чиқариб юборилган ҳаводаги зарарли модда миқдори,  $mg/m^3$ , ва бинога кираётган ҳаводаги зарарли модда миқдори  $C_n mg/m^3$ ;

$\sigma_{пр}$  - хайдаб киритилган ҳаво таркибидаги зарарли модда миқдори,  $mg/m^3$ .

Хона ҳавосидан бир вақтнинг ўзида иссиқлик ва намни хайдаб чиқаришда ҳаво алмашуви  $J - d$  диаграммаси бўйича жараён йўналиши ёрдамида ҳисобланиши лозим.

59. Панжарасимон полларда қорамолларни боқишда пол остидан минимал ҳаво алмашувининг миқдори камида 30 % ҳажмда ҳаво янгилашиб туришини кўзда тутиш керак.

Каналларни тозалаш туриш учун бинолар туйнуклар билан жиҳозланиши лозим.

60. Қиш мавсумида молхона ичига юборилаётган ҳаво оқими бинонинг юқори қисмига йўналтирилиши керак.

Ҳаво тизимини қиш мавсумида энг кам ва ёз мавсумида энг кўп ҳаво сарфланишини инобатга олиб лойиҳалаштириш керак.

Табий ҳаво алмашувини эшик ва деразалар орқали амалга оширилиши лозим.

61. Биноларда ишлатилаётган иситиш-ҳаво алмаштириш ускуналарининг шовқин даражаси 70 dB дан ошмаслиги керак.

62. Қорамоллар туғиш бўлмаларида она чўчка ва чўчкачалар, ёш қуёнлар ва паррандалар боқиладиган биноларнинг деворига ўрнатиладиган иситиш тизимларидан фойдаланиш керак.

63. Иситиш асбоблари юзасининг ҳароратини қуйидагича қабул қилиш керак:

паррандалар полда боқиладиган биноларда кўпи билан 105 °C;

паррандалар қафасда ва жониворларни боқишга мўлжалланган биноларда кўпи билан 150 °C.

64. Иситиш ва ҳаво алмаштириш тизимларининг иситиш асбоблари ҳайвонлар ва паррандалардан холи жойда ўрнатилиши, муҳофаза тўсиғига эга бўлиши, иситиш асбоблари ва қувурларни дезинфекция қилиш ва тозалаш имкониятига эга бўлиши лозим.

65. Биноларнинг иссиқ сув таъминотини ШНҚ 2.04.01-22 га мувофиқ лойиҳалаштириш лозим.

66. Иссиқ сув ҳарорати ва унинг сарфини лойиҳа топшириғига биноан қабул қилиш лозим.

67. Бинолар ҳавосини талаб даражасида тутиш ва ускуналар ишдан чиқишининг олдини олиш мақсадида лойиҳаларда иситиш ва ҳаво алмаштириш тизимларининг ишини автоматик тарзда мослаш ва тўхтатиш мосламалари кўзда тутилиши лозим.



### 7-боб. Электротехника ускуналари

68. Электр ускуналарини ўрнатиш лойиҳа топшириғига асосан ва ШНҚ 2.01.05-19, ҚМҚ 2.04.17-98, ШНҚ 2.09.02-19 га мувофиқ амалга оширилиши керак.

69. Биноларни ёритиш лойиҳа топшириғига кўра бажарилиши лозим.

Ишлаб чиқариш хоналарининг ёритилиши ҚМҚ 2.09.03-02 га мувофиқ лойиҳалаштирилиши лозим.

70. Биноларнинг электр ускуналарини ўрнатиш лойиҳа топшириғига мувофиқ қабул қилиниши лозим.

### 8-боб. Ёнғин хавфсизлиги талаблари

71. ШНҚ 2.01.19-09 га асосан биноларнинг ёнғинга бардошлик даражаси инobatга олиниб, ёнғинга қарши деворлар оралиғидаги хоналар майдони мазкур ШНҚни 3-жадвалига мувофиқ қабул қилиниши лозим.

Ишлаб чиқариш тоифаси В бўлган, паррандалар ва кўйларни сақлаш учун мўлжалланган оловга бардошлиги V даражали биноларнинг ёнғинга қарши деворлар оралиғидаги пол майдонини 10 kv.m. гача кўпайтириш керак.

3-жадвал

Ишлаб чиқариш тоифаси	Оловга бардошлик даражаси	Ёнғинга қарши деворлар оралиғида хонанинг майдони, kv.m.
«В»	II	чекланмаган
	III	2000
	IV	1000
	V	600
«Д»	II	чекланмаган
	III	4400
	IV	3500
	V	1000

72. I-IV даражали оловга бардошли биноларда чордоқнинг ёғоч конструкцияларида оловдан химоя қилиш чоралари кўрилиши лозим.

73. Оловга бардошли биноларни лойиҳалашда қуйидагилар таъминланиши керак:

том қисми ёнмайдиган материаллардан ишланиши;

чордоқдаги электр симларини механик шикастланишдан химоя қилиш;

чордоқ томонидан ёғоч ораёпмаларни ёнувчан иссиқлик қопламаси устидан камида 20 mm қалинлигида лой қоришмаси билан химоялаш;

оловга бардошлиги II ва III даражали биноларда камида R45 ва оловга бардошлиги IV даражали биноларда камида R15 бўлган люкларни чордоқнинг ораёпмасида ўрнатиш.

74. Биноларнинг ичига ёки ёнига қўшиб қурилган портлаш ёки ёниш хавфи бўлган бино хоналари, шунингдек дағал ем сақлайдиган бинолар бир-биридан ҳамда бошқа бинолардан оловга бардошлиги камида R60 бўлган ёнғинга қарши тўсиклар ва ораёпмалар билан ажратилиши, шунингдек бевосита ташқарига чиқиш йўлагига эга бўлиши керак.

Деворлардаги (тўсиклардаги) туйнуклар (эшик, дарвоза, дераза ва технологик туйнуклари)

оловга камида R30 бардош берадиган ёнмайдиган материаллардан бўлиши керак.

Эшик ва дарвозалар ўзини-ўзи беркитиш мосламалари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

75. Портлаш хавфи бўлган ишлаб чиқариш хоналарида ШНҚ 2.01.19-09 га мувофиқ енгил олиб ташланадиган ташқи тўсиқ конструкциялар бўлиши лозим.

76. Қўшимча қурилган биноларда сақланадиган дағал ем захираси оловга бардошлиги II даражали бинолар учун 30 тонна ва оловга бардошлиги III, IV ва V даражали бинолар учун 20 тоннадан ошмаслиги лозим.

77. “В” ва “Д” тоифали ишлаб чиқаришга эга бўлган биноларда қуйидагилар бўлишига йўл қўйилади:

оловга бардошлиги III ва IV даражали биноларда –180 mm ёки диаметри камида 160 mm бўлган, алангаланишдан ҳимояланмаган ички ёғоч устунлар;

оловга бардошлиги IV даражали биноларда – ёнувчан материаллардан ясалган чордоқ ораёпмалари;

оловга бардошлиги I-V даражали биноларда – ёнувчан материаллардан ясалган фронтонлар ва чордоқ ораёпманинг иссиқлик қопламалари;

олис яйловларда жойлашган биноларда – маҳаллий ёнувчан материаллардан (қамиш, сомон ва бошқалар) ясалган том.

78. Бинолардан одамларни эвакуация қилиш йўллари (эвакуация чиқишларнинг сони ва жойлашуви, иш жойларидан чиқишгача бўлган масофа, ўтиш жойлари, йўлақлар, эшиклар ва бошқаларнинг ўлчамлари) ШНҚ 2.09.02-19 га мувофиқ қабул қилиниши керак.

Ишчи ходимларни эвакуация қилиш учун дарвозаларда чиқиш йўналиши бўйича очиладиган эшиклар (остонасиз ёки остонаси 0,1 m дан паст бўлган) ўрнатилиши лозим.

Бинолардан чиқиш жойлари, агар улар эвакуация йўллари талабларига жавоб берса, ушбу чиқиш жойларидан ходимларни эвакуация қилинишини ҳисобга олиш керак.

79. Ёнғин вақтида ёруғлик ёки аэрация фонарлари бўлмаган хоналардан тутунни ҳайдаб чиқариш тизимлари ҚМҚ 2.04.05-97 га мувофиқ белгиланиши керак.

Ёнғин содир бўлганда тортувчи шахталарини автоматик равишда очиш учун мослама билан жиҳозланиши талаб қилинмайди.

80. Портлаш хавфи мавжуд хоналарда буғ ва чангнинг портловчи концентрациясининг шаклланиши ҳақида огоҳлантирувчи автоматик сигнализация тизимини назарда тутиш керак.

81. Бинолар учун оловга бардошлилик даражаси ҳамда конструктив ёнғин хавфлилик синфи ШНҚ 2.01.02-04 га мувофиқ қабул қилиниши лозим.

82. Бинолар учун автоматик ёнғин ўчириш ҳамда сигнализация воситалари ШНҚ 2.04.09-07 га мувофиқ ўрнатилиши керак.

Автоматик ёнғин ўчириш ва сигнализация қурилмалари ўрнатилиши лозим бўлган бинолар рўйхати мазкур ШНҚнинг 5-иловасида келтирилган.

83. Ёнғинга бардошлиги I-IV даражали биноларда чордоқнинг ёғоч тўсинларини оловдан сақлаш чора-тадбирлари кўрилиши лозим.

Қўшимча қурилган биноларда сақланадиган дағал озуқа захираси II даража оловга бардошли

бинолар учун 30 тонна ва III, IV ва V даража оловга бардошли бинолар учун 20 тоннадан ошмаслиги керак.

“В” ва “Д” тоифали ишлаб чиқаришга эга бўлган биноларда қуйидагилар бўлиши лозим:

IV даражали оловга бардошли биноларда - камида 180 x 180 mm ёки диаметри камида 160 mm бўлган, ўт олишидан муҳофазаланмаган ички ёғоч тўсиқлар;

IV даражали оловга бардошли биноларда - ўт олувчи материалдан ясалган чордоқ тўсиғи;

I-IV даражали оловга бардошли биноларда – чордоқнинг ўт олувчи материалдан ясалган фронтонлар.

84. ШНҚ 2.01.02-04 ва ШНҚ 2.01.19-09 ларга асосан биноларнинг ичига ёки ёнига қўшиб қурилган портлаш ёки ўт олиш хавфи бўлган алоҳида бино (хона)лар (озуқа цехлари, ички ёнув двигателли насос хоналари, иссиқлик генераторлари бинолари, шунингдек дағал ем - пичан, сомон сақлайдиган бинолар) бир-биридан ҳамда бошқа бино (хона)лардан оловбардошлиги камида 1 h, олов ўтказмайдиган тўсиқлар билан ажратилиши ва алоҳида ташқарига чиқиш йўлагига эга бўлиши керак.

85. ШНҚ 2.01.02-04 га асосан тўсиқлардаги туйнуклар (эшик, дарвоза, дераза ва технология туйнуқлари) оловга камида 0,6 h бардош берадиган, ёнмайдиган ёки қийин ёнувчи материаллар билан беркитилиши керак.

86. ШНҚ 2.01.02-04 га биноан ўз-ўзидан ёпиладиган эшик ва дарвозалар махсус мослама қатламига эга бўлиши лозим.

ШНҚ 2.09.07-22 “Чорвачилик, паррандачилик  
хамда мўйначилик бино ва иншоотлари”  
шаҳарсозлик норма ва қоидаларига

1-ИЛОВА








**Чорвачилик бинолари ва чигил ёзиш майдончалари полининг асосий турлари**

Пол тўшама тури №	Бино ўтиш жойлари, майдончалари номи	Пол, тўшама материали
1.	Йирик қорамол ва чўчқаларнинг хоналари	Керамзит бетон, қалинлиги - 80 mm
2.	Отларнинг хоналари ва жойлари	Керамзит бетон устига ётқизилган цемент кум қопламаси, қалинлиги - 80 mm
3.	Қорамол, чўчка ва қўйлар боқиладиган таги тўшамали молхоналар	лойли тупрок, бетон (асослаб берилганда)
4.	Тўшама устида ва қафасларда боқиладиган паррандаларга мўлжалланган бинолар: -ҳайвонлар қафасларининг бостирма тагида жойлашуви ва ўтиш жойлари -жониворларга овқат бериш жой ва майдончалари, паррандалар учун солярий, транспорт ҳаракати йўллари	бетон қалинлиги - 80 mm
5.	Қорамол, қўй парранда ва отларнинг сайр қилдириш майдонлари	Энг оддий тўшамалар - тупроқли, режалаштирилган маҳаллий материаллар ёрдамида маҳкамланган (заруриятга қараб)
6.	Чўчқачалар хонаси (эмизикли чўчқачалар)	Иситиладиган пол
7.		Ёғоч пол

ШНҚ 2.09.07-22 “Чорвачилик, паррандачилик  
хамда мўйначилик бино ва иншоотлари”  
шаҳарсозлик норма ва қоидаларига

2-ИЛОВА

Пол ва тўшамалар асосий турларининг кoстрoкциялари

Пол тўшама турининг №	Пол кoстрoкцияси	Пол тўшама элементлари	Пол тўшаманинг қалинлиги (mm)
1.		В3,5 керамзитобетони	80
		В3,5 бетони, шағал	80
		Шиббаланган тупрок	-
2.		Цемент кумли пол (1:2)	15÷20
		Керамзитобетон В3,5	80
		Шиббаланган тупрок	80
3.		Тўшама	
		В25 бетонидан ишланган асос, лой, тупрок	80
		Шиббаланган тупрок	-
4.		В25 бетони (асосланган ҳолларда асфальтобетон)	80
5.		Шиббаланган тупроқли тўшама асосланган ҳолларда кум, соз тупроқ ёки лой қўшилади)	100
6.		В15 бетони	80
		Ҳимояловчи тўр	-
		Йситувчи элемент	-
		Керамзит	50-60
		Гидроизоляция	-
		Шиббаланган тупрок	-
7.		Тахта пол	37
		Гидроизоляция	-
		В 7,5 бетони	80
		Шиббаланган тупрок	-

ШНҚ 2.09.07-22 “Чорвачилик, паррандачилик  
хамда мўйначилик бино ва иншоотлари”  
шаҳарсозлик норма ва қоидаларига

3-ИЛОВА

Махсус асбобларнинг сув сарфи ва уларнинг бир вақтдаги ҳаракати, фоиз ҳисобида

Асбоб	Сув сарфи l/s	Бир вақтдаги ҳаракат %	Асбоб	Сув сарфи l/s	Бир вақтдаги ҳаракат %
1.Паррандалар учун оқар сувли (арикча симон) сувдонлар	0,05	100	3.Пол ювиш крани	0,5	Лойиҳанинг технологик қисмига биноан
2.Махсус суғориш учун мўлжалланган сувдонларни ва бошқача турдаги суғориш учун мўлжалланган сувдонларни (авто суғориш мосламаларидан ташқари) тўлдириш учун ишлатиладиган кран	0,3	Битта крандан фойдаланганда - 100, иккита ва ундан кўп кран бўлганда - 50	4.Елинни ювиш учун мўлжалланган кран	0,07	100
Технологик ускуналарнинг (махсус ювиш, совитиш мосламалари ва ҳ.к.) сув сарфи лойиҳа топшириғига биноан қабул қилиниши лозим.					

ШНҚ 2.09.07-22 “Чорвачилик, паррандачилик  
хамда мўйначилик бино ва иншоотлари”  
шаҳарсозлик норма ва қоидаларига

4-ИЛОВА

**Чорва, парранда ва мўйнали ҳайвонларни суғориш мосламалари ёрдамида суғоришга кетадиган сув сарфини аниқлаш**

Суғориш мосламалари орқали суғоришга кетадиган тахминий сув сарфи  $C$  l/s қуйидаги формулага кўра аниқланади:

$$P = P_n \cdot \Pi, (1),$$

бунда:

$P_n$  - 1-жадвалга кўра қабул қилинадиган, чорва, парранда ва мўйнали ҳайвонларни суғориш суръати

$\Pi$  - тармоқнинг ҳисобга олинган участкасидаги бир вақтнинг ўзида ишлаётган автоматик суғориш мосламаларининг миқдори бўлиб, 2-жадвалга кўра, мазкур участкада ўрнатилган автоматик суғориш мосламаларининг миқдорига, яъни  $\Pi_0$  га, ва улар ишлаш:

$$B = P_d \cdot K_h \cdot C / 86400 \cdot P_n,$$

формуласига биноан аниқланадиган  $B$  эҳтимолийлигига боғлиқ равишда қабул қилинади.

Ушбу формулада:

$P_d$  - технология меъёрларига кўра қабул қилиниб, жониворларни суғоришга қилинадиган сув сарфи, l/s;

$K_h$  - технология меъёрларига кўра қабул қилинадиган соатлар бўйича номунтазамлик коэффициенти;

$C$  - тармоқнинг мазкур участкасида ўрнатилган ҳар бир автоматик суғориш мосламасига тўғри келадиган жониворлар миқдори.

1-Жадвал

Чорва, парранда тури ва уларнинг вояга етган гуруҳи	Автоматик суғориш мосламасидан суғориш суръати, l/s
<b>1.Қорамол:</b>	
а) соғин ва гўштдор сигирлар	0,1
б) буқалар ва ғунажинлар	0,07
в) ёш қорамол	0,05
<b>2.Отлар:</b>	
а) вояга етганлари	0,1

<b>Чорва, парранда тури ва уларнинг вояга етган гуруҳи</b>	<b>Автоматик суғориш мосламасидан суғориш суръати, l/s</b>
б) тойлар	0,05
<b>3. Қўйлар:</b>	
а) вояга етганлари	0,025
б) қўзилар	0,015
<b>4. Чўчқалар:</b>	
а) она чўчқалар ва чўчқачалар	0,04
б) она чўчқалар (супорос) ва эркак чўчқалар, бўрдоқига боқилаётган ёш чўчқачалар	0,03
<b>5. мўйнали ҳайвонлар ва қуёнлар:</b>	
а) тулки ва шимол тулкиси	0,005
б) норка, сувсар ва қуёнлар	0,003
Жониворларнинг сув идишлари (автоматик суғориш мосламаларидан ташқари) сувнинг ҳисобий сарфи мазкур ШНҚ 2- иловасига мувофиқ аниқланади	

2-Жадвал

ПоВ	П	ПоВ	П	ПоВ	П	ПоВ	П	ПоВ	П	ПоВ	П
0,015	1	3,5	10	8,9	19	21	36	40,5	60	83	110
0,15	2	3,9	11	9,6	20	23	38	44,5	65	92	120
0,39	3	4,6	12	11	22	24,4	40	48,5	70	100	130
0,7	4	5,2	13	12,4	24	26	42	53	75	110	140
1,06	5	5,7	14	13,8	26	27,5	44	57	80	118	150
1,47	6	6,3	15	15,2	28	29	46	61	85	127	160
1,9	7	7	16	16,8	30	30,5	48	66	90	136	170
2,4	8	7,6	17	18,2	32	32,5	50	70	95	145	180
2,9	9	8,2	18	19,6	34	36,5	55	75	100	154	190
										163	200

ШНҚ 2.09.07-22 “Чорвачилик, паррандачилик  
хамда мўйначилик бино ва иншоотлари”  
шаҳарсозлик норма ва қоидаларига

5-ИЛОВА



№ т/р	Бино (хона) номи	Майдони, м <sup>2</sup>		
		Ёнғинга қарши автоматик сигнализация	Автоматик ёнғин ўчириш мосламалари	
1	2	3	4	
1.	Озуқа цехлари, омихта ем, премикс, карбамид концентрати ишлаб чиқариш хоналари, тайёр маҳсулотни гранулалаштириш цехлари	200 дан 1500 гача	1500 ва ундан ортик	
2.	Тегирмонлар, унсиман маҳсулотни тозалаш бинолари	Майдонидан қатъий назар		
3.	Ун, омихта ем жойлашган бинолар	Майдонидан қатъий назар		
4.	Омихта ем ва дон маҳсулотларини ташиш транспорт галереялари	200 ва ундан ортик		
5.	Гухум-парранда ва гўшт солинадиган идишларни дезинфекция қилиш	200 ва ундан ортик		
6.	Инкубатор, омшанниклар, виварийлар, парвариш хона (питомник), титражник	200 ва ундан ортик		
7.	Ёнғинга бардошлилиги IIIa, IIIб, IVa ва V тоифали бир қаватли паррандачилик бинолари	1200 ва ундан ортик		
	Оловга бардошлилиги IV тоифали бинолар	2000 ва ундан ортик		
8.	Парранда ва ҳайвонларни ёнмайдиган материаллардан ясалган қафасларда тутиладиган кўп пролётли ва кўп қаватли бинолар (бино ёки унинг ёнғинга қарши деворлари оралиғи сизами 25 минг парранда ёки ҳайвондан кўп бўлганда)	Майдонидан қатъий назар		
9.	Жониворлар (кўй, эчки, туялар) юнгини олиш, тараш, юнгни пресслаш хоналари	150 ва ундан ортик		
10.	Терига (қоракўлчилик, куёнчилик) бирламчи ишлов бериш бинолари	Майдонидан қатъий назар		
11.	Гухум омборлари	100 ва ундан ортик		
12.	Қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бинолари	200 ва ундан ортик		
13.	Пат ва пат маҳсулотлари цехи	500 гача		500 ва ундан ортик
14.	Оловга бардошлилиги III-IV тоифали бинолардаги дон сақлаш омборлари	200 ва ундан ортик		
15.	Омихта ем, концентрацияланган емлар, ўт уни, премикслар, оқсил-витамин қўшимчалари ва суяк унини идишларда сақлаш омборлари	100 дан 200 гача		